



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№52 (1005)

2026 йил 17 июль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан,
ягона халқ
бўлиб,
янги ҳаёт
ва келажақ
яратамиз!

Рақамлашган бошқарув

фаровон ҳаёт ва сифатли
коммунал хизматлар кафолати

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти фақат янги бинолар ёки улкан иншоотлар билан эмас, балки инсоннинг кундалик турмуш сифати қай даражада яхшиланаётгани билан ҳам ўлчанади. Кўп қаватли уйларни бошқариш, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви ва оқова сув тизимлари айнан шу фаровонлик мезонларининг асосини ташкил этади. Сўнгги йилларда мазкур соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизда коммунал хизматларни замонавий босқичга олиб чиқиш, уларни рақамлаштириш ва аҳоли учун янада қулайлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда республикаимиздаги 45 минг 663 та кўп квартиралар уйда қарийб 1,6 миллион хонадон ва 7 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётгани соҳанинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Шу боис коммунал тизимни такомиллаштириш фақат техник эмас, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга вазифадир. Мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, эришилаётган натижалар ҳамда истиқболдаги вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан "Кўп квартиралар уйларни бошқариш ва коммунал хизматлар соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар" мавзусида очиқ эшиклар кунини ҳамда матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбир давомида соҳада рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тақдироти ўтказилиб, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими имкониятлари намойиш этилди. Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди, шунингдек, коммунал соҳадаги долзарб масалалар юзасидан очиқ мулоқот ўтказилди. Бундай мулоқотлар орқали соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти аҳолига соддароқ ва тушунарли тарзда етказилиб, давлат органлари ҳамда жамоатчилик ўртасидаги очиклик ва ўзаро ишонч янада мустаҳкамланмоқда.

– Давлатимиз раҳбари томонидан коммунал соҳада очиклик ва шаффофликни таъминлаш, инсон омилини камайтириш ҳамда аҳоли учун қулай рақамли хизматларни кенг жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган, – деди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўринбосари Озода Жўраева. – Бугун амалиётта таътиб этилаётган рақамли платформалар ана шу топшириқлар ижросининг амалий натижаси бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, бугунги очиқ мулоқотдан кўзланган асосий мақсад – кўп квартиралар уйларни бошқариш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчилик билан очиқ мулоқот қилиш, парламент ҳамда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, шунингдек, соҳага оид барча саволларга очиқ ва батафсил жавоб беришдан иборат. Президентимиз белгилаб берган вазифалар асосида бугун коммунал соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда аҳолига қўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини юксалтириш устувор йўналишлардан бирига айланган.

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари – миллий танловда

Мамлакатимизнинг гўр ҳудудида 16 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган техник ум ўқувчилари, ёшлар, талабалар ҳамда банд бўлмаган аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Янги Ўзбекистон бунёдкорлари – 2026" миллий танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда.

Унда ўн касб йўналиши бўйича 667 нафар иқтидорли ёшлар мамлакат босқичи ғолиблиги учун ўз иқтидорини синовдан ўтказмоқда. Касбий таълим агентлиги томонидан ташкил этилаётган "Янги Ўзбекистон бунёдкорлари" касбий маҳорат миллий танловининг Республика босқичи жорий йилнинг 13-18 июль кунлари Самарқанд ва Бухоро вилояти,



Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда. Жумладан, танловнинг электромонтаж, пайвандлаш технологияси, сантехника ва мода технологиялари йўналишларининг республика финал босқичи Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари "WorldSkills" халқаро стандартлари асосида баҳоланади.

Беллашувлар аввалида Самарқанд вилояти ҳокимлиги, касбий таълим бошқармаси ва маҳаллалар уюشمаси вилоят бўлими масъулари иштирок этиб, иштирокчиларга муваффақият тилади.

"Янги Ўзбекистон бунёдкорлари" касбий маҳорат миллий танлови ёшларнинг касбга бўлган қизиқишини ошириш, ўрта бўғин кадрлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда танлов ғолиблари ва иштирокчиларининг ички ва ташқи меҳнат бозорида юқори даромадли иш ўрнига эга бўлиш имкониятини кенгайтиришни мақсад қилган, деб хабар қилди ЎЗА мухбири Ғолиб Ҳасанов.

Танлов низомига мувофиқ, иштирокчилар кунлик иш меъёрига амал қилган ҳолда бир неча кун давомида ўз маҳоратлари, эгаллаган касбий билимларини намойиш этади.

Бунёдкорлик ва тараққиётнинг иккинчи уйғониш даври

Президентимизнинг шу йил 23 июнда Наманганга ташрифи чоғида мутасаддилар билан ўтказган йиғилишида вилоят ҳудудлари инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция жозибадорлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор топшириқлар берилган эди.



Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов Чортоқ, Тўрақўрғон ва Чўст туманларида амалга оширилиши мақсад қилинган янги лойиҳалар тақдироти билан танишув чоғида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган мазкур долзарб вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратди.

Чортоқ туманининг Дўстлик маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган 60 гектарлик майдонда 4 минг 338 хонадондан иборат 55 та кўп қаватли уй-жойлар, 8 та ижтимоий соҳа объекти, 10 та савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси, туман ҳокимлиги ва аҳолига хизмат кўрсатувчи барча давлат ташкилотларини ўзида жамланган ягона "Маъмурий марказ" ўрин олади.

Чортоқ сойи қирғоғидаги сўлим ҳудудда меҳмонхона, санатория, осма дор йўли, ресторан ва кафелардан иборат гастронимик ва санатория типидagi туризм маркази, спорт инфратузилмаси объектилари, ўқув марказлари, ёшлар мажмуаси, "IT" – ахборот коммуникация технологиялари марказларига эга таълимга ихтисослашган махсус ҳудуд ва бошқа шароитлар яратилади.

Тўрақўрғон туманида жойлашган, ўзининг

уч минг йиллик тарихига эга бўлган Ахсиент археологик паркни ёдгорлигидаги "Ахсиент" туристик мажмуаси бош режаси ҳам тақдим қилинди. Ушбу лойиҳа қадимий Ахсиентнинг бой маданий ва археологик меросини замонавий Янги Ўзбекистон тараққиёти ҳамоҳанг уйғунлаштирувчи инновацион туристик макон сифатида ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг асосий гоёси "Тарихдан Янги Ўзбекистон сари" концепциясига асосланади.

Тақдимот давомида Чўст туманида барпо этилаётган "Хунармандлар шаҳарчаси" лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур мастер режада нафақат янги бинолар қуриш, балки кўҳна ва навиқрон Чўстининг тарихий қиёфаси ҳамда миллий руҳини сақлаган ҳолда замонавий туристик ва хунармандчилик мажмуаси яратиш назарда тутилган, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Оқилхон Дадабоев.

Ҳар бир лойиҳа билан яқиндан танишган вилоят раҳбари уларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар, жараёни тезлаштириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

▶ Янги Ўзбекистон бунёдкорлари миллий танловини қизғин ўтди.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



Рақамлашган бошқарув

фаровон ҳаёт ва сифатли коммунал хизматлар кафолати

➔ 1 Уй бошқарувидан замонавий сервис тизими

Аввалги йилларда кўп квартиралли уйларни бошқариш асосан жорий таъмирлаш ва коммунал хизматлар билан чекланган бўлса, бугун мазкур тизим тубдан янгиланмоқда. Бошқарув ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 90 миллиард сўмдан зиёд инвестиция йўналтирилгани, соҳада 18 мингдан ортиқ ходим меҳнат қилаётгани ҳамда раҳбар ва техник мутахассисларнинг малакаси мунтазам оширилаётгани бу йўналишдаги ислохотларнинг изчиллигини намён этмоқда.

Энг муҳими, бугун уй-жой бошқаруви оддий хизмат кўрсатишдан сервис маданиятига айланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 мингдан ортиқ кўп квартиралли уйда қарийб 172,4 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида минглаб уйларда том, муҳандислик тармоқлари, электр тизимлари ва фасадлар янгиланмоқда. Базалт қопламаси орқали фасадларни иссиқлик изоляцияси қилиш, лифтларни босқичма-босқич модернизация қилиш каби ишлар нафақат биноларнинг хизмат муддатини узайтиради, балки энергия-тежамкорлигига ҳам хизмат қилади.

Бу жараёнда рақамлаштириш муҳим ўрин тутмоқда. “Менинг уйим” ахборот-биллинг тизими орқали мулкдорлар тўловларни онлайн амалга ошириш, хизматлар ҳақида маълумот олиш, бошқарув ташкилотлари ҳисоботларини кўриш ҳамда мурожаатларни электрон таразда юбориш имконига эга бўлди. “Турар жой” миллий ахборот тизими эса уйларнинг техник ҳолатини электрон ҳисобга олишни таъминламоқда. Натияжада шаффофлик кучайиб, мулкдор ва бошқарув ташкилоти ўртасидаги муносабатлар янада очиқ тус олмақда.



Иссиқлик таъминотида инновациялар – барқарорлик гарови

Коммунал хизматлар ичида иссиқлик таъминоти аҳоли фаровонлигини белгилайдиган энг муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Айниқса, қиш мавсумида тизимнинг ишонгли фаолияти миллионлаб инсонларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республикада 16 мингдан зиёд кўп квартиралли уй ва икки ярим мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланмоқда. Сўнгги йилларда амалга оширилган 150 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси доирасида юзлаб қозонхоналар модернизация қилиниб, минг километрдан зиёд иссиқлик тармоқлари янгиланди. Бу эса минглаб хонадонларда хизмат сифати сезиларли даражада яхшиланишига хизмат қилди.

Янги босқичнинг асосий хусусияти шундаки, эндиликда соҳа фақат қувурлар ёки қозонхоналарни таъмирлаш билан чекланмайди. “Hotenergy” биллинг тизими, онлайн мониторинг платформалари, диспетчерлик бошқаруви, сунъий интеллект асосида иссиқлик тармоқларини бошқариш, когенерация ва тригенерация технологияларини жорий этиш каби инновацион ёчимлар коммунал хизматларни мутлақо янги даражага кўтармоқда. Бу нафақат энергия тежамкорлигини оширади, балки хизматлар узлуksизлиги ва самарадорлигини ҳам таъминлайди.

Тоза сув – саломатлик, ривожланган инфратузилма – келажак пойдевори

Ҳар қандай ҳудуднинг ижтимоий тараққиёти аввало ичимлик суви ва оқова сув тизимларининг қай даражада ривожлангани билан баҳоланади. Бугун мамлакатимизда 31 миллиондан ортиқ аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, соҳада ўн минглаб иншоотлар ва юз минг километрдан ортиқ тармоқлар хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, сўнгги саккиз йил давомида ушбу соҳага 20 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиб, 36 минг километр сув тармоқлари ва минглаб иншоотлар барпо этилди.

Жорий йилнинг ўзида юзлаб объектларда янги сув ва оқова сув тармоқлари қурилмоқда, миллиардлаб сўмлик маблағлар ўзлаштирилиб, ўнлаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган умумий қиймати 2,7 миллиард долларлик 23 та лойиҳа эса соҳани янада жадал ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сув таъминоти соҳасидаги инвестициялар фақат инфратузилма қуриш эмас, балки аҳоли саломатлиги, экологик барқарорлик ва иқтисодий ўсиш учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шу боис йил якунига қадар ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 83,5 фоизга, оқова сув хизматлари қамровини эса 23 фоизга етказиш режаси мамлакатда инсон манфаатига қаратилган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида баҳоланмоқда.

Хўлоса қилиб айтганда, коммунал соҳадаги бугунги ўзгаришлар бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқламоқда. Замонавий инфратузилма – бу фақат муҳандислик иншоотлари эмас, балки инсоннинг муносиб ҳаёти учун яратилаётган муҳитдир. Рақамлаштириш, энергия самарадорлиги, очиқ бошқарув ва кенг қамровли инвестициялар бирлашган нуктада эса мамлакат тараққиётининг янги модели шаклланимоқда. Энг муҳими, амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа ортида миллионлаб инсонларнинг қулай ва фаровон ҳаёти мужассам.

▼ Эллиққалъа туманида янги уйлар фойдаланишга топширилди.



“Янги Ўзбекистон” массивида кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди

Эллиққалъа туманида аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида эзгу чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хусусан, “Эллиққалъа” ОФЙ ҳудудидан 10 гектар ер майдони ажратилиб, “Янги Ўзбекистон” массиви ташкил этилган эди. Ишлаб чиқилган бош режага асосан, бу ерда жами 1060 та хонадонга мўлжалланган 28 та 5 ва 7 қаватли уй-жойлар, 1 та мактаб, 1 та мактабга-ча таълим муассасаси, 1 гектар майдонда истироҳат боғи ташкил этиш режалаштирилган эди. Қурилиш ишлари “Building House One” МЧЖ ҳамда “Ideal Maxsus Qurilish” МЧЖ томонидан олиб борилиб, битган уйлар фойдаланишга топширилмоқда.

Самарқандда “Ватанпарвар” боғи янгиланди

Самарқанд шаҳрида аҳоли ва меҳмонлар учун яна бир замонавий дам олиш маскани – “Ватанпарвар” боғи фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг Ватанпарвар маҳалласида мавжуд шу номли боғ “Farovon Turkman City” масъулияти чекланган жамияти томонидан янгидан барпо қилинди. 7 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда 30 дан ортиқ замонавий аттракцион ва ўйин қурилмалари ўрнатилган, қулай пиёдалар йўлаклари, кўркам павильон ҳамда яшил ҳудудлар ташкил этилган.

Мажмуанинг энг улуғвор иншооти баландлиги 92 метрни ташкил этувчи маҳобатли чархпалақдир. Ушбу қурилма 49 та шинам, хавфсиз ва замонавий кабинадан иборат бўлиб, бир вақтнинг ўзида 300 кишига хизмат кўрсата оладиган кенг ва ҳашаматли кутиш зали ҳам мавжуд.

Шунингдек, боғдан сунъий кўл, унинг устида узунлиги 85 метр ва баландлиги 25 метр бўлган ойнали кўприк, кичик ҳайвонот боғи, автодром ҳамда картинг майдони ўрин олган.

Боғнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Адиз Бобоев, фаоллар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

– Қисқа вақтда Самарқандда иккинчи янги истироҳат боғи очяғимиз ва бу ҳамшаҳарларимиз ҳамда хорижий сайёҳларнинг мазмунли хордиқ чиқаришлари учун кенг имкониятдир. – деди Адиз Бобоев. – Бу албатта, шаҳар ҳаётидаги тарихий кунлардан бири. Лекин бу билан тўхтаб қолмаймиз, шаҳар кенгайиб, аҳоли сони ошиб бораётганини ҳисобга олиб, янги истироҳат боғлари, дам олиш масканлари ташкил этиш ишлари давом этади. Айни пайтда Сўғдиёна маскани, Самарқанд давлат техника университети атрофида янги боғлар қурилиши олиб боришмоқда. Қорасувдаги “Янги Ўзбекистон” боғида ҳам зарур юмушлар амалга оширилмоқда.

Тадбир иштирокчилари, нуронийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда меҳмонлар боғда яратилган замонавий инфратузилма, аттракционлар, кўнгилочар майдонлар ва ободонлаштирилган ҳудудлар билан танишиди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши аҳоли ва меҳмонлар учун янги дам олиш маскани бўлиб қолмай, бу ерда 250 кишининг бандлиги таъминлангани билан эътиборга тушиди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Ғолиб Ҳасанов.

Замонавий инфратузилма, хилма-хил кўнгилочар иншоотлар ва ноёб архитектура ёчимларини ўзида мужассам этган “Ватанпарвар” боғи яқин вақт ичида Самарқанднинг энг машхур, одамлар билан тавжум сезимли хордиқ масканларидан бирига айланади.



► Оҳангарондаги чиқинди полигони.

Иссиқ кунларда чиқинди полигонлари нега ёнади?

Райҳона ХҲЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда ва ОАВда айрим ҳудудлардаги, хусусан, Оҳангарондаги чиқинди полигониди содир бўлган ёнғин кенг муҳокама қилинмоқда. Жамоатчилик ўртасида “полигонлардаги чиқиндилар ҳажмини камайтириш учун уларни атайлаб ёкиб юборишади” деган фикрлар ҳам учраб турибди. Чиқиндиларни бошқариш агентлиги ушбу вазиятга аниқлик киритади ва жазирама иссиқда полигонларда ёнғин чиқишининг сабабларини очиқлайди.

Полигоннинг ёнишидан кимгадир фойда борми?

Аслида, полигон давлатники бўладими ёки хусусий тадбиркор бошқарувидими, унинг ёнишидан ҳеч ким манфаатдор эмас. Айни пайтда Оҳангарондаги полигон ҳам хусусий тадбиркор тасарруфда. Ёнғинни ўчириш учун юзлаб тонна сув, махсус техникалар, катта миқдорда ёнилғи, кўп тупроқ ва инсон ресурси талаб этилади. Бу эса тадбиркорга ҳам, давлатга ҳам фақат катта иқтисодий зарар олиб келади. Бундан ташқари, хозирда республикадаги 137 та полигоннинг 98 тасида чиқиндини саралашни йўлга қўйиш мақсадида очиқ танловлар эълон қилинган. Тадбиркор учун чиқиндиларнинг ёниши эмас, аксинча, уни саралаб, қайта ишлашга йўналтириш фойдалироқ.

Полигонлар ёнишининг эса 4 та асосий сабаби мавжуд. Полигонлардаги ёнғинлар инсон омилсиз, об-ҳавонинг жазирама келиши натижасида бутунлай табиий ва кимёвий жараёнлар оқибатида юзага келади. Масалан, полигонлардаги жами чиқиндининг 44 фоизини органик чиқиндилар ташкил этади. Улар иссиқда бактериялар таъсирида парчаланиб, кимёвий оксидланиш юзага келади ва ис газини ҳамда ўта тез ёнувчан метан газини ажралиб чиқади. Маълумот учун, 1 гектар майдондаги 10 минг куб чиқинди юзасида 350 минг куб метр метан газини сизгани боис кичик бир учкун ёки қизилиш ҳам йирик ёнғинга сабаб бўлади.

Иккинчи сабаби шуки, умумий чиқиндининг 0,9 фоизини алюмин идишли газли чиқиндилар (дезодорант, зажигалкалар) ташкил этади. Кучли жазирамада бу идишлар ичидаги газ зичлашади, таранглашади ва оқибатда портлаб, атрофдаги куруқ чиқиндиларни аланга олдиради.

Бундан ташқари, чиқинди таркибидаги шиша идишлар ва уларнинг бўлақлари куёш тик тушганда лўла вазифасини бажаради. Куёш нурини бир нуктага йўналтириши натижасида атрофдаги пластик ва полиэтилен маҳсулотлари чакнайти ва табиий ёнғин ҳосил бўлади.

Энг сўнгги сабаб бўлса, ҳужалик ва ресторо-лардан чиқадиган куллардир. Кабобхона, овқатланиш шохобчалари ва хонадонлар баъзан ўчоқ ёки тандирдан чиққан кулни маиший чиқинди қутиларига ташлайди. Кул ташқи томондан ўчандек туйилса ҳам, унинг ўзатидаги чўғ ва иссиқлик 1-2 кунгача сақланиб қолади. Ахлат

ташувчи машиналар бу кулни полигонга олиб бориб тўқкач, иссиқ ҳаво таъсирида чиқиндининг ички қатламидан аланга олиб кетади.

Чиқинди полигони хусусий бўлиши мумкин эмас. Бу стратегик ва экологик хавфсизлик объекти бўлиб, у тўлиқ давлат назоратида туради. Шу боис давлат раҳбарининг 2024 йил 4 январдаги Фармони билан мамлакатдаги барча қаттиқ маиший чиқинди полигонлари Экология вазирлиги ҳузуридаги “Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси бошқарувига ўтказилиши, яъни давлатга қайтариллиши белгиланб қўйилган.

Бироқ бугунги кунда айрим ҳудудлардаги полигонларни давлат тасарруфига қайтариш жараёнлари ҳали тўлиқ якунига етказилмаган. Ана шундай полигонларнинг ҳали давлатга қайтарилмаганини инобатга олиб, уларда техник ва экологик талаблар бузилиши оқибатида кўнгилсиз ҳолатлар юзга келмоқда. Илгари ушбу объектларни бошқарган субъектлар томонидан чиқиндиларни ўз вақтида қатлам-қатлам жойлаштириш, зичлаш ва ҳар куни устини тупроқ билан қоплаш талаблари етарлича бажарилмаган. Оқибатда чиқинди ичида ҳаво бўшлиқлари қолиб, кислород ва метан газининг ўзаро реакцияси жазирамада мана шундай ёнғинларни келтириб чиқармоқда.

Полигонларда ёнғин чиқиши фақат Ўзбекистонга хос муаммо эмас. Бу бутун дунё курашаётган глобал табиий жараёндир. Мисол учун, иссиқ ўлка бўлган Швецияда йилига 23 марта, Польшада 30-80 марта, АҚШ полигонларида эса йилига 8000 дан ортиқ ёнғин қайд этилади. Ҳиндистонда эса полигонлар ҳафталаб, ҳатто 2-3 ойлаб тутаб ёниши кузатилади.

Республикаимиз бўйича эса 2026 йил бошидан буён полигонларда 19 марта ёнғин қайд этилди. Тезкор чоралар ва назорат қучайтирилгани сабабли бу кўрсаткич анча камайган, таққослаш учун, 2025 йил давомида 44 марта ёнғин бўлган эди.

Полигонларда махсус сув насослари, узун шланглар ва ички водовозлар доимий шай ҳолатда туради. Ёнғин чиққанда биринчи навбатда полигон ходимлари, сўнг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги жалб этилади. Олов сув билан сўндирилгач, қайта аланга олмаслиги ва ҳаво кирмаслиги учун усти зудлик билан тупроқ билан кўмилиб, зичланади.



